

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-08 гуруҳ талабаси

Валиев Бегзод Кахоржонович

**Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларда
хизматлар кўрсатиш
соҳасини ривожлантириш ва бошқариш
(Чуст тумани мисолида)**

Илмий раҳбар:

доц. К. Мирдадаев

Наманган-2012

Аннотация

Валиев Бегзод Кахоржоновичнинг «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтакаларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш (Чуст тумани мисолида)» мавзусида бажарилган битирув малакавий ишида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш масалалари минтакалар миқёсидаги модернизациялаштириш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ифодаланган. Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб «Миллий иқтисодиёт таркибида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий асослари» деб юритилган бўлиб, Бунда хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг классификацияси ва сервис тушунчасини назарий жиҳатдан асослаб берилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва иқтисодиётдаги аҳамияти ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Иккинчи боб «Чуст тумани иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бошқаришдаги муаммолари» деб аталди. Бу бобда Чуст тумани тарихи ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши таҳлил этилди. Шунингдек, туманда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа бошқарилишидаги муаммолар ўрганилиб улар таҳлил этилди. Таҳлил этиш орқали муаллифнинг фикр мулоҳазалари берилган.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада кенг ривожланишини таъминлаш ва бошқариш» деб номланган. ушбу бобда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини бошқаришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари ўз ифодасини топган. Модернизация шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишланмалар яратилган. Шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш йўналишлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида умумий натижалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-боб Миллий иқтисодиёт таркибида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий асослари	6
1.1. Хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг классификацияси ва сервис тушунчасини назарий жиҳатдан асослаш	6
1.2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва иқтисодиётдаги аҳамияти	10
1.3. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар	14
2-боб Чуст тумани иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бошқаришдаги муаммолари	19
2.1. Чуст тумани тарихи ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши	19
2.2. Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа бошқарилишидаги муаммолар	25
3-боб Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада кенг ривожланишини таъминлаш ва бошқариш	36
3.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини бошқаришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари	36
3.2. Модернизация шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш	38
3.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш	40
Хулоса	45
Фойдаланилган адабиётлар	47

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида 2007-2010 йилларга мўлжалланган мақсадли ишларни таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни жойларда ўрганиш бўйича ҳар бир вилоят, шаҳар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, «мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди»¹.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда ... хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожати йўқ”² деб таъкидлади.

Миллий иқтисодиёт таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши борасида салоҳиятли ютуқларни қўлга киритар эканмиз, бу соҳада ҳам янги ва янги хизмат турларини ўзлаштириб борилаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Бизнинг Ўзбекистонда аҳолининг ночор табақалари ёши бўйича 2,0 млн. нафақа олувчи, 562 мингдан³ кўп ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлаш соҳасида кучли чора-тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун бу йўналишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушини ошириб бориш имкониятларини тобора кенгайтириб боришимиз даркор. Бугунги кунда бу соҳани янада ривожлантириш борасида яна бир қатор чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Хусусан, «Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012 — 2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор»⁴. Бу эса ўз навбатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу соҳани ривожланишига таъсир кўрсатадиган муаммоларни ҳал этиш лозимлиги устувор масалалардан бирига айланмоқда.

Юқоридаги фикрларимиз нуктаи назаридан олганда, биз кўтариб чиққан ва битирув малакавий иш даражасида танлаган мавзу ўта долзарб ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Умуман олганда минтақаларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш масалалари кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Ушбу мавзуга оид муаммолар ғарб мамлакатларида чуқур ўрганилган, шунинг учун бу соҳада етук мутахассислар жуда кўп. Уларнинг қаторида В.Леонтьевнинг консалтинг хизматлари ташкил этишдаги бошқарувчилик соҳасидаги ишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Дж.Кейнс эса хизмат кўрсатиш соҳасини макроиқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўрганиб, уни тартибга солиш масалалари билан шуғулланган.

Россиялик олимларнидан С.И.Байлик, С.В.Безрукова, Т.Л.Игнатева, И.Ю.Ляпина, В.В.Усов кабиларнинг хизмат кўрсатиш соҳасига доир ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг фундаментал-назарий ва амалий жиҳатдан кенг эътироф этилган бир қатор асарларида ўрганилган. Шунингдек, М.Абдиримов, М.Холиков.

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 10 бет.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 46 бет.

³ Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М. З., Зокиров Ф., Суннатов М.Н., Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010. 4 бет.

⁴ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 25 бет.

И.Эргашев, Ё.Абдуллаев, С.Фуломов, А.Ўлмасов каби иқтисодчиларнинг асарларида хизмат кўрсатиш соҳасининг у ёки бу жиҳатлари ёритилган. Бундан ташқари А.Бекмуродов, И.Мажидов, У.Ғофуров, Ш. Мустафакулов кабиларнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади»¹ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланмасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қўлга киритилган ижобий тенденциялари қайд этилган.

Бирок, айнан Чуст тумани иқтисодиётида, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқаришнинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ўрганилаётган муаммонинг кенг қўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳозирги модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

- хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг классификацияси ва сервис тушунчасини назарий жиҳатдан асослаш;
- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифаларни таҳлил этиш;
- Чуст тумани тарихи ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқарилишини ифода этиш;
- Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа бошқарилишидаги муаммоларни ўрганиш ва белгилаш;
- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини бошқаришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш омилларини тадқиқ этиш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига доир ишланмалар яратиш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш борасида мулоҳазалар юритиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Чуст туманининг иқтисодиёти хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида Чуст тумани иқтисодиёти таркибидаги хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси ва бошқарилиш тизими танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатида оид асарлари; хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқаришга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш бўйича маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Чуст тумани ҳокимлиги, Наманган вилоят статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: модернизация жараёнларида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқаришни ёритиш бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. 46-60 бетлар.

- туман ҳудудида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқарилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;
- тумандаги касб ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;
- мазкур соҳани маҳаллий шароитларини янада кенгрок ўрганишда.

Битирув малакавий иш кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб «Миллий иқтисодиёт таркибида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий асослари» деб юритилган бўлиб, Бунда хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг классификацияси ва сервис тушунчасини назарий жиҳатдан асослаб берилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва иқтисодиётдаги аҳамияти ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Иккинчи боб «Чуст тумани иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бошқаришдаги муаммолари» деб аталди. Бу бобда Чуст тумани тарихи ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши таҳлил этилди. Шунингдек, туманда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа бошқарилишидаги муаммолар ўрганилиб улар таҳлил этилди. Таҳлил этиш орқали муаллифнинг фикр мулоҳазалари берилган.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада кенг ривожланишини таъминлаш ва бошқариш» деб номланган. ушбу бобда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини бошқаришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари ўз ифодасини топган. Модернизация шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишланмалар яратилган. Шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш йўналишлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида умумий натижалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

1-боб. Миллий иқтисодиёт таркибида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий асослари

1.1. Хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг классификацияси ва сервис тушунчасини назарий жиҳатдан асослаш

Мавзуга доир мулоҳазаларимиз бевосита хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва уни бошқариш масалаларига қаратиладиган экан, дастлаб хизмат кўрсатиш тушунчасининг ўзи қандай мазмунни англатишини билиб олиш зарур. Хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи объектлар хизмат кўрсатиш бозорини ташкил этади¹.

Хизмат – инсонларнинг инсонларга яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир. Маълумки, яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш инсоннинг фазилати ҳисобланади ва доимо инсоннинг илллати бўлган ёмонликни, бузуқликни, зўравонликни қайтаради ва ўз ҳаётида адолатли бўлиб, чиройли амалларни бажаришга ундайди.

Хизмат кўрсатиш фаолияти ўз ичига хизмат воситалари, маҳсулотларини яратиш бўйича изланишлар, тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, реализация қилиш ва ҳ.к.ларни қамраб олади.

Маълумки, *иқтисодиётнинг реал сектори* – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Хизмат кўрсатиш деганда, бирон бир шахс ёки субъект учун ва унинг муайян хизматлар асосида эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган қиймат яратувчи хатти-ҳаракатлардир. Кўрсатилган хизматлар туфайли инсоннинг у ёки бу тарздаги талаби ҳамда эҳтиёжи қондирилади.

Яхшилик, эзгулик инсоннинг энг муҳим фазилати бўлиб, инсон фаолиятининг асл ва азалий моҳиятини англатади. У инсонга кучли руҳий лаззат бағишлаш баробарида, уни шахсга айлантирадиган бахтга олиб боради. Шунинг учун ҳам яхши фикр, яхши сўз, яхши амал тушунчалари Авестодан тортиб барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллайди.

Яхшилик инсоннинг ахлоқий ва амалий фаолиятида юзага чиқиб, унда камтарлик, очик кўнгиллилик, адолатлилики, ростгўйлик каби фазилатларни мужассам этади.

Албатта, бундай фикрларни янада кўплаб келтириб, давом эттиришимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг меҳмонсеварлиги ва меҳмонга холис хизматда бўлиши, минг йиллар давомида шаклланиб, урф-одатга айланганлиги, ўзга халқлардан фарқли равишда ўзига хос ва мос хусусияти билан дунё халқларидан ажралиб туриши бежиз эмаслигини тасдиқлайди. Чунки, хизматга бўлган бундай муносабат, жамиятни ахлоқий юксакликка, фаровонликка, тараққиётга тезроқ эриштиради, натижада хушхулқлик, ширинсуханлик, ҳалоллик, бағрикенглик сингари фазилатлар кўпроқ ўрин эгалаб боради, натижада жамиятда яхшиликнинг, эзгуликнинг устувор бўлишига олиб келади.

Хизматнинг шундай асосида бўлиши, жамиятдаги инсонларнинг бир-бирига турли хилдаги хизмат кўрсатишида намоён бўлади ва унинг ўзагини ташкил этади.

Хизмат кўрсатиш - бу инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб боришига тушунилади. Агар биз фаолиятни ўз ичига мақсад, восита ва натижа олиш учун инсоннинг теварак-атрофга ва ўзига бўлган махсус муносабати жараёни десак, хизмат кўрсатишда фаолият олиб боришдан албатта, ҳар иккала томон бўлган хизмат кўрсатувчи манфаатдор бўлиши, даромад, фойда олиши, истеъмолчи эса хизмат сарф-ҳаражатни бажариб кўрсатилган хизматдан мамнун, рози

¹ Чжен В.А. Язык бизнеса. –Т.: Шарқ, 1995. 573 стр.

бўлиш мақсади туради. Ушбу фаолият тури хизмат кўрсатиш корхонаси, уюшмаси, ташкilotи, фирма ва ҳ.к. ташкил этилиши ҳамда индивидуал бўлиши ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукукий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади (1-чизмага қаранг).

Моддий хизматлар кўрсатиш муайян қиймат яратиб, бозор инфратузилмаси таркибидаги бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Номоддий хизматлар кўрсатишда эса хизмат кўрсатиш объектига таъсир кўрсатилиб, унинг хусусиятлари такомиллаштирилади.

Юқоридаги фикрларимиздан кўриниб турибдики, ўз-ўзидан хизмат кўрсатиш соҳаси 1-чизмада келтирилганидек классификацияланади. Уларнинг барчаси бозор инфратузилмаси таркибида иштирок этиб, хизмат кўрсатишга доир тармоқни ривожланишига олиб келади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният ҳаётига хизмат кўрсатишнинг янги шакл кўриниши «Сервис» тушунчаси кириб келдики, ҳозирги вақтда ҳаётда ўзининг тўла тадбиқини топаётти. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасига яқин келган «сервис»¹ деган тушунча кўпроқ халқаро миқёсда қўлланилади. Сервис бу – ишлаб чиқариш – техника мақсадларидаги маҳсулотларни, маданий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар соҳаларини ўз ичига олади².

Инглиз адабиётларида «Сервис» сўзи инглизчадан – «service» сўзидан олинган бўлиб, - хизмат, хизмат кўрсатиш маъносини билдиради. Лекин, дунё иқтисодий ҳаётида, шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса, мустақиллик йилларида сервис ўзининг комплекслиги, юқори малакада ва замонавий воситаларнинг қўлланилиши билан тобора аниқлашиб бормоқда. Шунинг учун уни хизмат кўрсатишдан фарқли равишда таърифлашимиз мумкин, яъни: Сервис – деганда, юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш тушунилади. У назарий томондан чуқур фалсафий тушунча ҳисобланган хизматдан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш фаолиятининг кўп қиррали табиатини ифодалайди. Сервис амалиётида икки томон муносабатда бўлиши талаб этилади. Бир томондан, турли хилдаги малакали меҳнат, бизнес ва бошқарувни талабини бажариб хизмат кўрсатиш, хизмат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ихтисослашган структураси туради. Иккинчи томондан, ўзларининг эҳтиёжлари ва муҳтожликларини қондиришдан келиб чиққан истеъмолчилар талаби туради. Бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилардан фарқли равишда хизмат кўрсатишда хизмат кўрсатувчилар ёки хизмат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг иқтисодий бўлмаган, ўзларининг қизиқишлари, ҳиссётлари ва қадриятлари, хоҳишларидан келиб чиққан аниқ талаблари билан юзма-юз келади.

Умуман олганда, сервис, сервис фаолияти ўзи иқтисодий, ижтимоий ва маданий кўп қиррали феномен бўлиб, бир вақтда ҳам жамоавий, ҳам шахсий талабларини қондирувчи ижтимоий тақсимлаш ва истеъмол этиш, одамларнинг ҳаётини яхшиловчи хўжалик механизми ҳисобланади.

Баъзи илмий манбаларда «service branch» иборалари қўлланилади³. Бу икки сўздан иборат тушунчани рус тилига тўғридан тўғри «сфера обслуживания» деб таржима қилинади. Ўз навбатида бу каби тушунчалар хизмат кўрсатиш соҳасини ангалатади.


Сервиснинг қуйидаги турлари мавжуд: сотувга қадар сервис ва сотувдан кейинги сервис (кафолатли, кафолатдан кейинги). Сотувга қадар сервис қуйидагилардан иборат:

¹ «Сервис» инглизча «service» деган сўздан олинган.

² Тухлиев Н. Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. 77 бет.

³ Эргашев Т. Иқтисодиёт атамаларининг ўзбекча-инглизча-русча луғати. –Т.: Шарқ, 2001. 52 бет.

1-чизма. Хизмат кўрсатиш соҳасининг классификацияси¹



¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- маҳсулотларни ташиш вақтида содир бўлган нуқсонларни бартараф этиш;
- товарни иш ҳолатига келтириш;
- товарнинг ишлашини харидорларга намоиш этиш ва бошқалар.

Сотишдан кейинги (кафолатли) сервис – товарнинг норматив-техник ҳужжатида ёки шартномада шартлашилган муддатларда юз берган нуқсонларини ўз вақтида бартараф этиш. Бунга харидорни буюмни ишлатиш қоидалари билан дастлабки таништиришни киритиш мумкин. Кафолатли хизмат харажатлари сотиш нархига киритилгани учун бундай хизматлар текинга кўрсатилади. Кафолат муддати ўтгандан сўнг сервис даврий созлаш ва зарур қисмлар билан таъминлаш, буюмдан фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш ва бошқа одатда шартнома асосида ҳақ олиб амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, «сервис» атамаси ҳам аслида хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий тарздаги изоҳини берувчи тушунчадир.

1-жадвал. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш шакллари

Сервис	Сервис хизмати харажатлари	
	Товарни сотиб олгунча	Товарни сотиб олгач
Техник хизмат кўрсатиш	-техник консультация; -буюртмали лойиҳаларни ишлаб чиқиш; -харидор муаммоларини ечиш бўйича таклифлар бериш; -товарни синаб кўриш учун тавсия этиш.	-реконструкция; -монтаж; -эҳтиёт қисмлари ва деталлари билан таъминлаш; -таъмирлаш хизмати; -профилактик синовлар
Савдо хизматлари кўрсатиш	-болалар туриши учун жойлар ажратиш; -буюртмалар бўлими; -алоҳида ва ахборот маълумотномалари; -синаб кўриш учун товарни етказиш.	-товарни алмаштириш ҳукуқи; -етказиб бериш; -қадоқлаш; -харидорларга товарни эксплу-атация қилиш қоидаларини ўргатиш

Шулардан келиб чиққан ҳолда, сўнгги йилларда юртимизда хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Юртимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2006 йил 17 апрел №РР-325) «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг ҳаётда тадбиқ этиш билан бирга жорий 2008 йил мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш дастури доирасида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожлантиришга оид барқарор суръатларни сақлаш, айти пайтда, қишлоқ жойларида унинг кўламини кенгайтириш ишлари амалга оширилади. 8 мингдан зиёд савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шаҳобчалари ташкил этилди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашда хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини изчил ривожлантиришни давом эттириш ҳам, албатта, давр талаби ҳисобланади. Бу шу борада кўпгина хизмат кўрсатиш, сервис соҳалари қатори, Ўзбекистонда туризм соҳасида хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш ҳам давр талаби ҳисобланади. Чунки, ҳозирги вақтда туризм кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда. Яхшилик, эзгулик тушунчасини ўзида сингдирган хизмат (кўрсатиш) инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга бўлиб, унинг улуғлигини белгилайдиган мезон ҳисобланади. Албатта, истиқболли бундай ишларни самарали бажариш учун кўплаб шу соҳада хизмат қилувчи мутахассислар зарурки, бу борада ҳам юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаси барча бошқа соҳалар билан иқтисодий алоқалар ўрнатадиган ва бозор инфратузилмаси таркибидаги устувор соҳалардан бири бўлиб, турли хизматларни амалга оширадиган ва хизмат кўрсатиш орқали фойда олишга йўналтирилган иқтисодиётнинг реал тармоғи ҳисобланади.

1.2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва иқтисодиётдаги аҳамияти

Мустақилликка эришилган кундан бошлаб, истиқлол туфайли Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар юз берди. Юртимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, тараққиёт сари барча соҳаларда дадил ривожланиб бормоқда. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради»¹.

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда турли соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланиши билан бирга, аҳоли кенг қатламини хизмат соҳасига эътибори қаратилди, бу борада кенг қўламли ишлар бошланди ва улар тобора такомиллашиб бормоқда. Бунинг заминида Ўзбекистондаги барча соҳалар каби хизмат соҳаси ҳам босқичма-босқич амалга оширилиши, мамлакатимиз ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бориши, Президентимиз илгари сурган беш тамойил асосида сиёсат юритиш, халқимиз манфаатларига самарли хизмат қилмоқда. Бундай сиёсат хизмат соҳасидаги назарий ва амалий билимларни ҳам ўзгартириб, маънавий асосини қайта кўриб чиқишни тақозо этапти.

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг маиший кўриниши ҳам мавжуд. Кўпинча бу тушунча «аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» деб юритилади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ўз ичига бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги соҳаларни олади:

1. Пойабзални тикиш ва тиклаш;
2. Мўйна тери ва тикув маҳсулотларини тиклаш;
3. Бош кийимларни тузатиш;
4. Уй жиҳозларини тузатиш;

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли». – Т.: Ўзбекистон, 2007

5. Ўйда, хўжаликда ишлайдиган техникаларни тузатиш;
6. Автомобилларни тузатиш;
7. Аҳолининг буюртмаси билан уйларни қуриш ва ремонт қилиш;
8. Фотолабораториялар хизмати;
9. Сартарошхоналар хизмати;
10. Кир ювиш хизматлари;
11. Ҳаммомлар;
12. Прокат пунктлари хизмати;
13. Кийимларни кимёвий тозалаш хизмати;
14. Мебелларни ремонт қилиш.

Маиший хизмат кўрсатишнинг юқоридаги каби турлари инсон эҳтиёжининг ҳар доимги ҳаётида зарур ҳисобланади. Бугунги кунда инсон эҳтиёжининг ўта нозиклашиб бораётганлигини ва эҳтиёжларнинг чексизлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тармоқларнинг ривожланишида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлади:

- маиший хизматнинг кўп хилларини таъминлаш ва такомиллаштириш;
- талабни қондира олмайдиган айрим соҳаларни ривожлантириш ва уларни яхшилаш;
- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қулай жойлашишини амалга ошириш ва уларни замонавий ускуналар билан қуроллантириш;
- аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- ишлаб чиқариш қувватларининг транспорт воситаларидан ва асосий фондлардан мумкин қадар тўла-тўқис фойдаланиш;
- бажариладиган ишлар ва хизматларнинг техник ва стандарт талабга жавоб беришини таъминлаш;
- тармоқни бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ аҳолисининг маиший хизмат кўрсаткичлар даражасини шаҳар даражасига яқинлаштириш.

Шуни қайд этиш керакки, бу каби вазифалар аҳолини турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун бу каби вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни режалаштириб бориш зарур бўлади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини режалаштиришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдалаланилади:

1. Аҳолига маиший хизматни реализация қилишнинг умумий ҳажми, шу жумладан, қишлоқ аҳолисига.

2. Чакана товар оборотининг таркибида якка меҳнат қилувчилар томонидан келадиган тушунчалар, ремонт ишлари ва аҳоли учун қилинадиган хизматларнинг бошқа турлари.

3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқаришга янги техникани, технологияларни, автоматлаштиришни жорий этиш.

4. Фойда, бюджетга тўловлар, бюджетни молиялаштириш.

Маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда дастлабки маълумотлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Минтақадаги аҳолининг келгусидаги сони.
2. Аҳолининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар. Масалан, болалар сонининг кўпайиши ёки камайиши, қишлоқ аҳолисининг кўпайиши ёки камайиши.
3. Аҳоли пул даромадларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар.
4. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший хизматлар ҳажми.
5. Аҳолида истеъмол буюмлари борлиги тўғрисидаги маълумотлар.
6. Истикболда аҳолига сотиладиган буюмларнинг ўзгариши ва товарлар ассортиментининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар.

7. Аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаби тўғрисидаги маълумотлар ва шу талабни қондириш даражаси.
8. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг борлиги.
9. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий – техник базаси.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- норматив усул — бунда аҳолининг истеъмол қилиш меъёрларидан, хизматлардан, аҳолини айрим товарлар билан таъминлаш меъёрларидан фойдаланилади;
- анкеталарни таҳлил қилиш усули — бунда бир минтақада яшаётган аҳоли ўртасида анкета тарқатилади. Бу анкетада аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш турларига бўлган талаби, уларни қондириш даражасига оид саволлари қўйилади. Олинган жавоблар таҳлил қилиниб, шулар асосида тармокни ривожлантириш дастурига зарур ўзгаришлар киритилади. Масалан, курсатилган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирлари, янги хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш ва ҳоказо;
- иқтисодий–математик усул – узоқ истиқболга ишлаб чиқиладиган дастурларда қўлланилади;
- баланс усули — бунда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида фойдаланиладиган асосий фондларнинг баланслари, ишлаб чиқариш қувватлари баланси ишлатилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланишида ишлаб чиқариш базасининг ривожланиши катта аҳамиятга эга. Корхонанинг қуввати ва ўлчамига қараб аҳолига етарли даражада маиший хизмат кўрсатиш мумкинлиги аниқланади. Буларни ривожлантириш қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1. Аҳолига энг юқори даражадаги қўлайликларни яратиш,
2. Аҳолининг вақт сарфини тежаш.
3. Маиший хизматнинг комплекс пунктини тузиш асосида кўрсатиладиган хизматнинг сарфини ошириш.
4. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари лойиҳаларини замонавий типларда яратиш.
5. Маиший хизматнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш.
6. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг оптимал ўлчамини аниқлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти жуда катта бўлиб, бошқа тармоқларнинг ривожланишига кўра ўзига хос жиҳатлари бор. Бу соҳа ташқи омиллар ўзгаришларига боғлиқ эмас. (2-чизмага қаранг) Хизмат кўрсатишда ва сервисни ташкил этишда ташқи муҳитнинг таъсирини унча рол ўйнамайди. Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бир маромда амалга ошиб бориши мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кўпроқ ички бозорни таъминлашга йўналтирилган бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, маҳаллий маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни ошириши мумкин. Талабнинг ошишида сифат, яъни хизмат кўрсатишдаги сифат даражалари муҳим рол ўйнайди. Истеъмолчи хизмат кўрсатиш туридан фойдаланар экан, қўшимча хизмат турларига ҳам эътибор бериб боради. ва шунга мос талабни шакллантиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси хизмат кўрсатиш бозорига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжидagi чексизлик хизмат кўрсатишнинг янгидан янги турларини қўпайтиришга олиб келади. Хизмат кўрсатиш соҳаси истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашга таъсир кўрсатади. Номутаносибликни олдини олишга олиб келади (2-чизмага қаранг).

2-чизма. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти¹



Энг муҳими шундаки, хизмат кўрсатиш шаҳобчасини ташкил этишда ёки умуман бирон бир хизмат кўрсатиш билан шуғулланишни бошлашда катта капитал керак эмас. Бошқача айтганда озроқ маблағ билан ушбу фаолият турини бошлаш мумкин. Демак, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳаммабоп соҳа ҳисобланиб, унинг капитал талабчанлиги пастдир. Бундай ҳолат аҳоли қатламидаги кўпчиликни шу соҳа билан шуғулланиш имкониятини келтириб чиқариши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда янги иш ўринларини ташкил этиш устувор масалалардан бири ҳисобланади. Чунки Ўзбекистонда меҳнат ресурслари кўп. Аҳолининг аксарият қисми ёшлардан иборат. Бундай шароитда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятига эришиш керак. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратишга кетадиган харажатлар нисбатан анча камни ташкил этади. Кам харажатлар асосида янги иш ўринларини яратиш тадбиркор ёки ишбилармонни молиявий имкониятларига катта путур етказмайди.

Маълумки, ҳар қандай соҳада фаолият юритиш муайян харажатларни талаб этади. Масалан, айниқса ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилган харажатлар узок муддатларда ўзини оқлаши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса аксинча, соҳага

¹ Илмий манбалар асосида муаллифнинг ишланмаси.

сарфланган харажатлар ўзини ўзи тез қоплайди. Натижада тезроқ фойдага кириш мумкин. Фойдага тезроқ эришиш ўз навбатида ликвидиликни оширади.

1.3. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикада 2011 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириб бориш;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;
- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Бу каби хизмат кўрсатиш турларини амалда кенг жорий этилиши миллий иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки иқтисодиётнинг бу тармоғида капитал айланмасининг тезлашган ҳаракатини кўришимиз мумкин. Жуда кўп ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатишдан жуда катта фойдага эришилиши бизга маълум. Шунинг учун мамлакатимизда бу каби соҳаларни ривожланишига янада кенгрок имкониятларни яратишимиз даркор.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий этириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми ўтган йилга нисбатан 116 фоизга ўсди.

Мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг куриб, ишга туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойафзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та ҳаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг куриб, фойдаланишга топширилиши натижасида жами 244,5 мингта янги иш ўринлари барпо қилинди.

Яратилган янги иш ўринларининг 180,7 мингтаси (73,9%) айнан қишлоқ жойлар улушига тўғри келади. Умуман олганда, ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

**3-жадвал. 2008-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси
минтақаларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши
(солиштирма нархларда)**


Ўтган йилга нисбатан, фоизларда

Минтақалар номи	2008	2009	2010	2011
Қорақалпоғистон Республикаси	123	116,2	116,4	117,7
Андижон в.	123,5	120,1	116,6	116,2
Бухоро в.	123,5	121,2	118,4	116,5
Жиззах в.	120,2	114,8	119,6	118,8
Қашқадарё в.	117,7	117,1	115,1	118,0
Навоий в.	124,6	120,6	116,4	116,8
Наманган в.	120,6	122,8	121,6	119,4
Самарқанд в.	135,6	121,6	121,6	117,3
Сурхондарё в.	120,7	120,0	116,4	120,4
Сирдарё в.	126,6	124,3	117,2	124,4
Тошкент в.	132,0	123,7	119,6	114,2
Фарғона в.	125,6	124,5	120,5	116,5
Хоразм в.	121,0	118,9	115,8	119,1
Тошкент в.	124,3	116,6	115,4	117,2
Ўзбекистон Республикаси	121,3	116,7	114,9	113,2

Хукумат қарорларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 116,1 фоизга ўсиб, 17983,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2011 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 220 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

3-чизма. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўсиш суръатлари¹



Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юқларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич

¹ Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Қорақалпоғистон Республикасида – 204,5 минг сўми, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўми, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўми ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакат хазинасига туризмдан тушган валюта ҳажми ва янги иш ўринларини ташкил топиши турли қўшимча хизматларнинг кенгайиши билан боғлиқ. Агар асосий хизматлар ўз ичига туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматларини ҳам олса, қўшимча хизматлар туристик хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган бўларди. Жумладан, сувенир савдо шахобчаларини, миллий санъат буюмларини сотишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий туристларни жалб қилишни кенгайтириш учун виза билан боғлиқ талабларни енгиллаштириш зарур. Ўзбекистондаги туристик маҳсулотларга хорижий туристларни жалб этишнинг осон ва енгил йўллари излаб топиш, меҳмонхоналарда яхши шароитлар яратиш зарур. Улардаги хизмат сифатини яхшилаш, халқаро андозаларга мослаштириш лозим.

Мамлакатимизда хорижий туристларнинг меҳмон бўлиб турадиган кунларининг кўпайиши валюта тушиш имкониятларининг янада кенгайишига сабаб бўлади.

Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини жаҳоннинг барча чеккаларидаги истеъмолчиларига маркетинг фаолиятларини қўллаб ахборот етказиш зарур.

Барча тармоқлар қатори туризм соҳаси ҳам профессионал кадрларга жуда муҳтож. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш моделини тезроқ шакллантиришда юқори малакали кадрлар ўрни катта. Халқаро андозаларга мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш бу тармоқ ривожланишига ижобий таъсир этади.

Ҳозирги кунга келиб, бозор шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ қарорларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида муҳим стратегик маълумотларни компьютер тизимлари орқали бош компанияга тезлик билан етказиш ҳолатлари кўзатишмоқда. Бозорнинг кўпроқ улушига эгалик қилиш ёки уни кенгайтириш янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, истеъмолчининг янги талабларини шакллантириш, маҳсулотдан фойдаланишнинг янги соҳаларига кириб бориш орқали амалга оширилади.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва яқка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган эди ва бу амалга оширилди. Ушбу шахобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади.

Ташкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

2-боб. Чуст тумани иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бошқаришдаги муаммолари

2.1. Чуст тумани тарихи ва ижтимоий-иқтисодий жихатдан бошқарилиши

Чуст тумани Наманган вилоятида жойлашган бўлиб, қадимий тарихга эга. Чуст тумани шимол ва шимолий ғарбдан Тиён-шон, яъни Чотқол тоғи билан, ғарбдан Поп адирликлари билан, жанубдан Сирдарё дарёси билан, шарқ томондан Тўрақўрғон тумани билан чегараланган. Рельефи пасту-баландликлардан иборат. Чуст тумани денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баландликда жойлашган, иқлими салқин.

Чуст шахри туман маркази ҳисобланиб, Наманган шахридан ғарб томонда, 36-сонли Чуст темир йўл станциясидан 13 км шимолда жойлашган. Мазкур туманнинг географик ўрни қулай бўлганлиги учун ўтмишда Буюк ипак йўли ўтган. Шунинг учун Чуст тумани ҳудудларида савдо-сотиқ ривожланган бўлиб, унинг таркибида турли хизмат кўрсатишлар амалга оширилган. Ҳозирги кунда Чуст тумани ҳудудидан Фарғона водийсини шаҳар ва қишлоқларини боғловчи автомагистрал йўл ўтган.

Чуст тумани иқтисодиёти ривожланишида ўзига хос жиҳатлар шаклланган. Хусусан, 1974 йилда нашр қилинган Ўзбекистон тарихи китобида ёзилишича, «Фарғона водийсидаги ерлардан сўнгги бронза даврида деҳқончилик учун кенг фойдаланилган. Тоғ этакларидаги текисликларнинг қулай шароити, сой, жилға сувларнинг кўплиги ўтроқликка асосланган деҳқончиликнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига ёрдам берган. «Чуст», «Далварзин», «Ашколтепа», «Тергача» ва шу каби қишлоқларда ушбу даврнинг белгиларини учратиш мумкин...».

Чуст туманида деҳқончилик қадимдан ривожланган бўлиб, шу билан бирга от, йирик шохли хайвон, қўй, эчки ва бошқа чорва моллари боқиш билан ҳам йўлга қўйилган. Чуст аҳоли ирқий жиҳатдан европеид ирқига хос бўлиб, Ўрта Осиёлик кишилар типига ўтаётган даврга мансубдир. Бинобарин, ирқлар аслида тарихан вужудга келган замонавий одам типининг географик (ҳудудий) вариантларидир. Фанлар академияси олимларининг Чустда олиб борган археологик қазишма ишлари ватанимиз - Ўзбекистон халқлари тарихига жуда кўп янгиликлар берган.

1886 йил 16 сентябрда Россия империясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомига асосан, Чуст уезд маркази бўлган. 1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетининг қарорига кўра Чуст алоҳида «район» деб эълон қилинган. У даврларда Чуст тумани ҳудуди жиҳатидан йирикроқ туман ҳисобланган. Кейинчалик Чуст тумани таркибидан 1930 йил 20 августда Поп тумани, 1973 йил 26 декабрда Косонсой тумани Ўзбекистон ССР марказий ижроия комитетининг тегишли қарорлари билан ажралиб чиққан.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Маҳаллий ҳокимият идораларининг қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Чуст тумани ва шаҳар Кенгашлари ижроия комитетлари тугатилиб, Чуст тумани ва Чуст шахри ҳокимликлари ташкил топди. Туманда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари фаолият кўрсата бошлади. Туман иқтисодиёти бозор муносабатлари тизимига асосланган ҳолда ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 459-сонли қарорига мувофиқ, туман ҳокимининг 1997 йил 27 октябрдаги 10/335-сонли қарори билан туман ва шаҳар ҳокимликлари аппаратлари бирлаштирилди. Чуст туманида Халқ депутатлари туман Кенгаши янгидан шаклланди.

Ҳозирда Чуст тумани маъмурий ҳудудларга бўлинишига кўра ўзига хос бўлиб, аҳолиси жиҳатидан вилоят туманлари ичида биринчи ўринда туради. 2011 йил якунидаги

статистик маълумотларга қараганда Чуст туманининг аҳолиси 221,4 минг кишидан¹ иборат бўлиб, жами 70 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг 20 таси Чуст шаҳрида, қолган 50 таси 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Умумий ер майдони 0,937 минг кв км. бўлиб, аҳолининг зичлиги 390,4 кишига тўғри келади. Туманда истиқомат қилаётган аҳолининг 108043 нафари (48,8%) аёл, 113462 нафари (51,2%) эркаклар, 150276 нафари ўзбек (67,8%), 66952 нафари тожик (30,2%) ва бошқа миллатлар 4172 нафар (2,2%)ни ташкил этади.

3-жадвал. Чуст тумани бўйича аҳоли сони²

Худуд-лар номи	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
Шундан:	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Чуст шаҳри	144138	68,3	148286	68,4	148973	68,4	151705	68,4	152846	68,5
Қишлоқ-лар бўйича	66762	31,7	68657	31,6	68975	31,6	69800	31,6	70086	31,5
Туман бўйича:	211000		216943		217948		221505		222932	

Кейинги беш йил мобайнида Чуст тумани аҳолиси 11,9 минг кишига кўпайган. Бу ҳар йилига ўртача 2386 кишидан кўпайганлигини билдиради. Агар 2010 йилга нисбатан оладиган бўлсак, 2011 йилга келиб аҳоли кўпайишининг ўртача миқдори 238 кишига камайганлигини таҳлилларимиздан келтириб чиқариш мумкин. Аҳолининг асосий қисми, яъни 68,5 фоизи Чуст шаҳрида жойлашган бўлиб, 2010 йил ҳолатига кўра атиги 1141 кишига кўпайган. Чуст туманининг қишлоқларида аҳолининг 31,6 фоизи жойлашган. Бу кўрсаткич 2008-2010 йилларда ўзгармай келди. 2011 йилга келиб атиги 286 кишига кўпайганлигини келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкин. Чуст тумани аҳолиси таркибининг 51,3 фоизи меҳнат ресурслари бўлиб, улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида банд. Туман миқёсидаги ишчи ресурсларининг 13,5 фоизи ёки 16,2 минг нафари хизматчиларни ташкил этса, 19,8 фоизи ёки 24,9 минг киши ишчилардан иборат. Деҳқон фермерлар 23,8 фоизни ёки 28,1 минг кишини ташкил этади. Ишчи ресурсларининг қолган 42,9 фоизи ёки 54,1 минг нафари бошқа соҳа эгаларидир. Кўриниб турибдики, Чуст тумани халқ ҳўжалигида турли соҳа мутахассислари мавжуд.

Чуст туманида турли соҳа мутахассислари хизмат кўрсатиш соҳасига ўзларини хиссаларини қўшар эканлар, туман иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида баҳолу қудрат ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг кўрсатган хизматларидан маҳаллий аҳоли ўз


¹ Маълумот 01.01.2011 йил ҳолатига тўғри.

² Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлимида олинган маълумотлар асосида тузилган. Бунда 2011 йил маълумотлари истикбол ҳолатида берилган.

эҳтиёжларини қондириб, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаб бормокдалар. Ижтимоий турмуш шароити қанчалик ривожланиб борса, жамиятнинг рюксалиши юз беради. Юксалган жамият эса ҳар қандай шароитларда барқарорликка интилиб ўз саъй-ҳаракатларини янада давом эттириб, иқтисодий имкониятларини ошириб борадилар.

Эътиборлиси шундаки, Чуст туманида аҳолини меҳнатда бандлиги соҳасида ҳам муайян даражадаги ўзига хос ривожланиш тенденциялари мавжуд. Туман миқёсида меҳнатга лаёқатлилар 122,5 минг кишидан кўпроқни ташкил этиб, уларнинг 88 мингдан кўпроғи иш билан банд ҳисобланади. Қолганлари эса ишсиз ҳисобланиб, уларни бандлигини таъминлаш масаласида маҳаллий туман ҳокимлиги жиддий шуғулланмоқда. Бу борада жиддий чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

3-чизма. Туман иқтисодиёти тармоқларида банд бўлган аҳоли таркибидаги ишчи ресурслари



Бугунги кунда Чуст тумани иқтисодиёти тармоқларида банд бўлган аҳоли таркибидаги ишчи ресурсларининг асосий қисмини деҳқон ва фермерлар ташкил этади (23,8%) Уларнинг меҳнатда бандлиги туфайли қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмида динамик ўзгаришлар содир бўлган. Бироқ, 2012 йилнинг баҳор ойларида об-ҳавонинг яхши бўлмаганлиги ва ёқингарчиликнинг кўпайганлиги сабабли қишлоқ хўжалигидаги экинлар жиддий зарар кўрди. Айниқса Каркидон ҳудудларида ёққан дўл барча экинларни нобуд қилишга олиб келди. Айрим жойларда пахтани яна қайта экин масалалари кўтарилди.

Чуст тумани иқтисодиёти тармоқларида ишчиларнинг салмоғи 19,8%ни ташкил этади. Уларнинг иштирокида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилгандир.


Чуст тумани иқтисодиёти тармоқларида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этиб, бу соҳа хизматчилари бугунги кунда банд бўлган аҳолининг 13,5%ни ташкил

этади. уларнинг иштирокида хизмат кўрсатиш ва сервис хизматларини амалга ошириш ишлари бажариб борилмоқда. Туман миқёсида бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Агар уларни тармоқлар бўйича бандлигини таҳлил этадиган бўлсак, 4-чизмадаги диаграмма ҳосил бўлади. Ушбу диаграммага кўра олганда банд бўлганларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигидадир (32,9%). Кейинги ўринларни ижтимоий соҳа (19,6%), қурилиш, транспорт, алоқа ва энергетика (13,3%) соҳаларида банд бўлганлар эгаллайди. Уларнинг меҳнат фаолиятлари туфайли ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларида салмоқли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Чуст тумани миқёсидаги иқтисодиётнинг ривожланишида саноат тармоғи алоҳида аҳамият касб этади. Саноат тармоғининг ривожланишида эришилган ютуқлар чексиз. Аммо меҳнатга лаёқатлиларнинг атиги 10,1 фоизи саноат соҳасида банд бўлиб, уларни салмоғини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устуворлик берилмоқда.

4-чизма. Туман аҳолисини халқ хўжалиги соҳаларида банд бўлган қисмининг жами ишчи ресурсларига нисбатан ДИАГРАММАСИ



Умуман олганда Чуст тумани иқтисодиётининг ривожланишида меҳнатда банд бўлганларнинг салмоқли хиссасини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Чунки улар туфайли йилдан йилга туман миқёсидаги иқтисодий кўрсаткичлар динамикасида ижобий томонга бўлган силжишларни кўришимиз мумкин.

Агар 4-жадвални таҳлил этадиган бўлсак, ундаги кўрсаткичлар динамикаси юқоридаги фикрларимизни исботлайди. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси бир қатор хизмат турларига бўлиб кўрсатилган. Хусусан ижтимоий соҳани кўрсаткичлари ҳам алоҳида берилган. Дадил айтиш мумкинки, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида йилдан йилга ўсиб боровчи тенденцияга эга бўлган кўрсаткичлар маҳаллий бюджет даромадларини ҳам ўсишига олиб келган. Қолаверса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуш ҳам ўсиб боровчи кўринишга эга.

2011 йилда Чуст тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий натижалар кўпроқ бўлди¹. Туман иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида ўсиш тенденциясига эришилди. Агар 4-жадвал маълумотлари таҳлил этилса, бунини яққол кўриш мумкин. Масалан, туман бўйича олганда саноат маҳсулотлари амалдаги нархларда 23500,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагига қараганда 244 млн. сўмга кўпдир. Агар худди шу кўрсаткичнинг фоиз ҳисобида оладиган бўлсак, 101,1 фоизга ошганлигини кўрсатади. 2011 йилни 2010 йилга нисбатини оладиган бўлсак, деярли 2 мартага кўпайган. Чуст туманида саноат маҳсулотлари амалдаги нархларда кейинги беш йил мобайнида ўсиб боровчи тенденцияни эгаллаган.

Ўз навбатида туман миқёсидаги халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳам кўпайиб борган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 2009 йилга нисбатан олганда 169,8 фоизга ошган. Аммо 2011 йилни 2010 йилга нисбати олинганда бу кўрсаткич 6,3 пунктга камайиб, 163,5 фоизга тўғри келганлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда сезиларли ўзгариш пасайган бўлсада, сақланиб қолган. 2011 йилдаги маълумотларга қараганда бир йил мобайнида халқ истеъмол моллари 10742,3 млн. сўмга кўпайгандир. 2007 йилда Чуст туманида ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари атиги 5996,8 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичга эътибор берилса, 2010 йилдаги ошган миқдорнинг ўзи шу кўрсаткичдан 949,8 млн. сўмга кўпдир. Халқ истеъмол молларининг кўпайиб бориши аҳоли турмуш даражасининг ошиб боришида ҳам муҳим рол ўйнайди. Бунда товар танқислиги ҳолатларига барҳам берилиб, истеъмол даражаси ошиши мумкин.

Чуст туманида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ҳам самарали олиб борилмоқда. Бу ҳолатни қишлоқ хўжалигида ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидаги ўзгаришлардан билиш мумкин. Агар 2007 йилда худди шу кўрсаткич 84114,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилда - 87394,5 млн. сўм, 2009 йилда - 94890,6 млн. сўм ва 2010 йилга келиб 116300,7 млн. сўмни ташкил этган. 2010 йилдаги кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан олганда 21402,4 млн. сўмга ошганлигини 2,3-жадвалдан кўрамиз. Бу эса тегишли йиллардаги ҳолат 122,5 фоизга тенг эканлигини кўрсатади. 2011 йилдаги ҳолатда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти кўпайган бўлсада, табиий шароитларнинг ёмон бўлганлиги ҳисобига айрим жойларда экинларнинг нобудгарчилиги кўзатилди.

Чуст туманида капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича ўта ижобий ҳолат юзага келган. Масалан 2010 йилдаги капитал маблағларни ўзлаштириш ҳолати 2009 йилдагига нисбатан олганда 21231,8 млн. сўмга ошгандир. Бу эса тегишли йилларда бу кўрсаткич ҳажми 198,1 фоизга ошганлигини билдиради. 2011 йилда худди шу кўрсаткич 49021,2 млн. сўмни ташкил этди ва ўсиш 14,4 пунктга тенг бўлди.

Чуст туманида пудрат ишларини амалга ошириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Туман бўйича 2010 йилда бажарилган пудрат ишлари 25510,3 млн. сўмни ташкил этган ҳолда 2009 йилдагига нисбатан олганда 8294,5 млн. сўмга ёки 153,2 фоизга кўпайган. Бу албатта амалдаги нархларда бўлиб, пудрат ишлари бўйича туман миқёсидаги ўзгаришлар ўсиб боровчи тенденцияга эга. Чакана савдода эса ўзгаришлар янада ижобийроқ. Чунки 2010 йилдаги чакана савдо бўйича ўсиш 2009 йилдагига қараганда 153,2 фоизни ташкил этади. Бу эса ўсгандаги ҳолатни 61393,6 млн. сўмга тўғри келганлигини билдиради. 2011 йилда Чуст тумани бўйича бажарилган пудрат ишлари 32777,5 млн. сўмга тўғри келди.

Эътиборлиси шундаки, туман миқёсида чакана савдо бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган миқдор ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Фақат бу кўпайиш тенденцияси 2010 йилда ўтган йилга нисбатан олганда 149,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан олганда 176,2 фоизни ташкил этган. Бу ерда шу нарса кўриниб турибдики, ўсиш тенденцияси мавжуд, аммо тенденция кейинги йилда 26,7 пунктга камайган. 2011 йилга тегишли маълумотларда унинг ҳажми 185541,7 млн. сўмни ташкил этди.

¹ Изоҳ: Ушбу фикрларимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳисобга олмаганда тўғри. Чунки жорий йилда Чуст туманида табиий шароитларнинг мураккаб келганлигини сабабли қишлоқ хўжалигида жиддий муаммолар пайдо бўлган.

**4-жадвал. Чуст тумани ижтимоий-иқтисодий
ривожланишининг асосий кўрсаткичлар¹**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бир- лиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	Қ/–	Фоииз
1.	Саноат маҳсулотлари (амалдаги нарх)	млн. сўм	21595,1	23256,4	23500,4	47327,1	23826,7	2 М
2.	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млн. сўм	10175,4	9953,9	16900,5	27642,8	10742,3	163,5
3.	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млн. сўм	87394,5	94890,6	116300,7	138412,4	22111,7	119,0
4.	Капитал маблағ ўзлаштириш	млн. сўм	17914,4	21626,8	42858,6	49021,2	6162,6	114,4
5.	Пудрат ишлари (амалдаги нарх)	млн. сўм	12834,5	17215,8	25510,3	32777,5	7267,2	128,5
6.	Чакана савдо (амалдаги нарх)	млн. сўм	64397	115307,9	176701,5	185541,7	8840,2	105,0
7.	Аҳоли жон бошига	сўм	302,7	533,3	797,7	821,3	23,6	102,9
8.	Пуллик хизмат (амалдаги нарх)	млн. сўм	13640,7	18211,1	19600,4	30086,7	10486,3	153,0
9.	Аҳоли жон бошига	сўм	64,1	84,4	88,5	133,2	44,7	150,5
10.	Маиший хизмат (амалдаги нарх)	млн. сўм	3463,1	4683,2	5273,5	5253,1	–20,4	99,6
11.	Аҳоли жон бошига	сўм	16,3	21,5	23,8	23,2	–0,6	97,5
12.	Маҳаллий бюджет даромадлари	млн. сўм	21991,5	32123,3	43180,6			
13.	Харажати	млн. сўм	24657,0	30309,2	43180,6			
14.	Дебитор қарзлар	млн. сўм	2064,2	1576,8	7434,4	3444,2	–3990,2	46,3
15.	Кредитор қарзлар	млн. сўм	2160,8	3121,8	4384,7	5562,0	1177,3	126,8
16.	Экспорт	АҚШ долл.	5108,9	5272	-			
17.	Импорт	АҚШ долл.	2011,6	1274,7	-			
18.	Жами аҳоли сони	минг киши	214,5	218	221,5	225,9 (прогноз да)	4,4	101,9
19.	Ишга яроқли аҳоли	минг киши	117,0	121,6	127,6			
20.	Шундан: иш билан банд аҳоли	минг киши	65,7	67,7	69,8	88	18,2	126,0
21.	Ишсизлар сони	киши	79,0	739	642			

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.
Бунда 2011 йилга тегишли аҳоли жон бошига бўлган кўрсаткичлар прогноз ҳолатида берилган.

2011 йилга келиб пуллик хизматлар ўтган йилга нисбатан олганда 10486,3 млн. сўмга ошган. 2010 йилда пуллик хизматлар амалдаги нархларда 19600,4 млн. сўмни ташкил этган. Бу эса 2009 йилдаги ҳолатга қараганда 1389,3 млн. сўмга ёки 107,6 фоизга ошганлигини билдиради. Пулли хизмат кўрсатишда аҳолининг жон бошига тўғри келган улушида ҳам ўсиш мавжуд. Бу кўрсаткич бугунги кунда 2009 йилга нисбатан олганда 104,8 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда ўсиш 4,1 сўмга ошган. 2011 йилга тегишли статистик маълумотларда сезиларли даражада, яъни 44,7 сўмга ошган.

Чуст туманида маиший хизмат соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Бу соҳадаги ўзгаришлар 2010 йилда ўтган йилга кўра олганда амалдаги нархларда 112,6 фоизни ташкил этди ёки 590,3 млн. сўмга ўсди. 2011 йилда эса ўсиш суръати кузатилмади. Аксинча ҳолат рўй берд ива 99,6 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келган улуши эса 23,2 сўмга тенг бўлди. Бироқ 2012 йилга келиб бу кўрсаткич хизмат турларини кўпайиб бориши ва янги турдаги маиший хизматларнинг юзага келиши ушбу соҳани ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга бўлган чора-тадбирлар тобора кенг ва атрофлича кўриб борилмоқда. Бу борадаги устувор вазифаларни бажаришга йўналтирилган ишлар жиддий амалга оширилмоқда.

2.2. Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа бошқарилишидаги муаммолар

Чуст туманида замонавий хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларида бошланган. Бозор иқтисодиёти тизими шароитларида бозор инфратузилмаси таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси самарали ривожланиб, иқтисодий жиҳатдан юксалиб боровчи кўрсаткичлар кўлга киритилди.

Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожлангани учун бу соҳага қизиқувчилар ҳам кўпаймоқда. Бундан ташқари бу соҳада капитал айланишининг ўзига хос самаралилиги кўпчилик тадбиркор ва ишбилармонлар диққат-эътиборини ўзига тортиб, янги ва янги хизматлар очишга ундамоқда.

6-жадвалда Чуст туманида белгиланган йилда ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг миқдори кўрсатилган бўлиб, уларнинг йилдан йилга ошиб боришини кўриш мумкин. Масалан, савдо шахобчалари 2011 йил ҳолатида 22 тага етиб, 2010 йилдагига нисбатан олганда 110,0 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. 2009 йилда уларнинг сони 18 тани ташкил этган. Демак сўнгги уч йил мобайнида Чуст туманида савдо шахобчалари 4 тага кўпайди. Бу ўз навбатида Янги иш ўринларини яратиш билан бирга хизмат кўрсатишни кенгайтиришга олиб келди. Шу билан бирга давлат бюджетига солиқ тўлашдаги объектларнинг кўпайишига ҳам олиб келиб, жамиятнинг ривожланиши учун бу жуда зарурдир.

Маълумки, Фарғона водийсида умумий овқатланиш шахобчаларининг алоҳида ўрни ва ривожланганлик даражаси белгиланган. Водийча таомларнинг турли туманлиги юртимизга келган меҳмонларни лол қолдирса, бу таомларнинг мазаси эса бетакрор эканлигини намоён эта олган.

Чуст туманида умумий овқатланиш шахобчалари 2009 йилда 2 та очилган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони яна биттага кўпайди. 2011 йилга келиб шу кўрсаткич САқланиб қолди. Демак, аҳоли эҳтиёжига кўра таклифнинг мувофиқ келиши кузатилди.

Чуст туманида пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари жуда кўп. Уларнинг хизматларидан маҳаллий аҳоли доимий фойдаланиб келишмоқда. Хусусан, 2009-2011 йилларда бундай шахобчалар яна 3 тага кўпайган. Сўнгги икки йилда бундай

шаҳобчаларга бўлган талаб ошғалигидан ҳар йилда 3 тадан ташкил топган пойабзал тикиш ва таъмирлаш шаҳобчалари ўз фаолиятлари билан элга манзур бўлмоқда.

Маълумки, инсон диди ва истаклари бетакрор. Шунинг учун кийим кийишда ҳам миллатимизнинг ўзига хослиги бор. миллий кийимларимини дунё таниган. Масалан, Чуст дўпписини билмаган инсон бўлмаса керак. Инсон яшар экан, у кийим кийишга кўниккан. Бундай хизмат турларидан фойдаланишда биз кийим тикиш ва таъмирлаш устахоналаридан, яъни шаҳобчаларидан фойдаланамиз. Худди шундай шаҳобчалар 2011 йилда 4 тага кўпайган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 1 тага ошган ва ўсиш суръати 133,3 фоизни ташкил этди.

Чуст туманида суръатхоналарни ташкил этишга ҳам эътибор берилган. Бозор инфратузилмаси таркибида бундай шаҳобчаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Суръатхоналарга бўлган талаб қониқарли даражада эканлигини келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкин. Сабаби сўнгги уч йилда ҳар йилда биттадан суръатхоналар очилган бўлиб, элга ўз хизмати билан манзур бўлмоқда.

Ҳозирги кунда барча ҳудудларда ободонларштириш ишлари қизғин кетмоқда. Хусусан, янги уй-жой қурилишлари жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса ҳар бир бўлажак оила учун жуда муҳимдир. Янги уй-жойларни кредит асосида берилиши эса, аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган чора-тадбирлардан биридир. Шунинг учун бундай уй-жойлар мавжуд бўлган ҳудудларда албатта ижтимоий инфратузилма объектлари бўлиши шарт деб ҳисоблаймиз. ўз навбатида бундай жойларда маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш ҳам жуда зарур. Масалан, 2009 йилда яқка тартибда уй қуриш массивидаги маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан бита ташкил этилган бўлса, 2010 йилда ҳам худди шу кўрсаткич сақланиб қолган. 2011 йилга келиб, бундай шаҳобчалардан 2 та ташкил этилди.

Чуст туманида яна бир қатор бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳам очилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг аксарияти фаолият юритишмоқда. 2011 йилда уларнинг сони 2010 йилга нисбатан олганда 60,0 фоизга ошганлигини келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкин. Жумладан, 2011 йилда 7 та сартарошхона ишга туширилди. 2010 йилга нисбатан олганда ўсиш суръати 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда Чуст туманида хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини янгидан ташкил этилганлари йилдан йилга ўсиб бормоқда. агар 2009 йилда жами 34 та янги хизмат кўрсатиш шаҳобчаси очилган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 41 тага етди. 2011 йилга келиб эса 50 тани ташкил этди.

Эътиборлиси шундаки, Чуст тумани бўйича маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш учун белгиланган режа ошиғи билан бажарилмоқда. Чунончи, савдо шаҳобчасини 2011 йилда режа бўйича 5 та ташкил этиш белгиланган эди. Ҳақиқатда эса бундай шаҳобчалар 22 та ташкил этилди. Агар бу таҳлилларни вилоят кўрсаткичлари билан солиштирилса, режа бўйича белгиланган ҳолат 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, амалда 10,9 фоизга тўғри келди.

Наманган вилояти бўйича умумий овқатланиш тармоғидаги хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини очиш режа бўйича 13 та белгиланган эди. Ҳақиқатда эса 37 та ташкил этилди. Шундан ҳақиқатдаги ҳолатда 3 таси Чуст туманига тўғри келиб, режа бўйича олганда бу кўрсаткич 1 тани ташкил этган эди. Чуст туманида умумий овқатланишга тўғри келган шаҳобчалар асосан дам олиш ҳудудларида жойлашган бўлиб, дам олувчилар учун қулайлик туғдиради. Масалан, Чуст шаҳридаги истирохат боғида жойлашган ошхоналар доим аҳоли учун хизмат кўрсатиб, уларни хордиқ чиқаришларига шарт-шароитлар яратади.

Юқоридаги мулоҳазаларимизда Чуст туманида пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналарини ташкил этишнинг йиллардаги динамикаси тўғрисида мулоҳаза юритган эдик. 7-жадвалда келтирилишича эса режадаги ва ҳақиқатдаги ҳолат солиштирилган. Масалан, вилоят бўйича режа асосида 21 та ташкил этилиши мўлжалланган пойабзал тикиш ва таъмирлаш шаҳобчаларидан 2 таси режа асосида Чуст тумани ҳудудларида

режалаштирилган бўлса, ҳақиқатдаги ҳолатда 3 та ташкил этилган. Бу эса вилоят бўйича ҳақиқатдаги ҳолатнинг 9,3 фоизи шу туманга тўғри келишини кўрсатади. Динамик жиҳатдан ҳам ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

**6-жадвал. Чуст туманида янгидан ташкил этилган маиший
хизмат кўрсатиш шахобчалари¹**

№	Хизмат турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни 2010 йилга нисбати, %да
1	Савдо шахобча	18	20	22	110,0
2	Умумий овқатланиш	2	3	3	100,0
3	Пойабзал тикиш ва таъмирлаш	2	3	3	100,0
4	Кийим тикиш ва таъмирлаш	3	3	4	133,3
5	Суръатхона	1	1	1	100,0
6	Якка тартибда уй қуриш массивидаги маиший хизмат кўрсатиш	1	1	2	2 марта
7	Бошқалар	4	5	8	160,0
8	Шундан сартарошхона	3	5	7	140,0
	Жами хизматлар	34	41	50	121,9

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Чуст туманида кийим тикиш ва таъмирлаш шахобчалари режа асосида 2 та ташкил этиш белгиланган. Ҳақиқатда эса 4 та ташкил этилиб, режадаги ҳолат 150,0 фоизга бажарилган. Наманган вилоятидаги режа ҳолатига Чуст туманидаги режа ҳолати солиштирилса, туманга тегишли улуш 8,7 фоизни ташкил этган бўлса, ҳақиқатда эса 13,3 фоизни ташкил этди. Бу билан 4,6 пунктга ҳақиқатдаги ҳолат ошганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, якка тартибда уй қуриш массивидаги маиший хизмат кўрсатиш, суръатхоналар очиш ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шахобчаларини очиш яхши йўлга қўйилди. Чуст тумани аҳолиси бу каби хизмат кўрсатиш шахобчаларидан фойдаланиб, ўзларининг турмуш шароитларида фойдаланишмоқда. Аммо шуни алоҳида қайд этиш керакки, бундай шахобчаларни очиш Чуст маркази ҳисобланган Чуст шаҳрида жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда Чуст туманида хизмат кўрсатиш шахобчалари орасида сартарошхоналар айниқса кўпайган. 2011 йилда сартарошхоналарни очиш режалаштирилмаган бўлсада, аммо 2011 йилда 7 та сартарошхона ўз фаолиятини бошлади.

Демак бундай хизмат кўрсатиш турига бўлган талаб кўпайгандек ҳисоблаймиз. Умуман олганда хизмат кўрсатиш шахобчаларини очиш масалаларида аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб ёндашилгани мақсадга мувофиқ. Шундагина иқтисодий ривожланишдаги мутаносибликларга эришиб борилади.

Фикримизча, Чуст туманида хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини ташкил этар экан, уларнинг янги турлари ўз ишини бошлар экан, бунда янги иш ўринларини яратишга бўлган эътиборнинг ҳам алоҳида эканлигини жиддий қайд этишимиз даркор.

Агар 8-жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, бунинг аниқ гувоҳи бўламиз. Хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш, Чуст тумани иқтисодиётини ривожланишига олиб келади. Чунки янги иш ўринларини яратиш орқали меҳнат ресурслари иш билан банд бўладилар. Иш билан бандлик эса туман иқтисодиётига, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Сўнгги уч йиллик статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Чуст туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилган янги иш ўринлари йилдан йилга ўсиб боровчи тенденцияга эга. Агар 2009 йилда туман бўйича фақатгина хизмат кўрсатиш соҳасидагина 2458 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2010 йилга келиб бундай иш ўринлари 2669 тага етди. 2011 йилга келиб эса хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган янги иш ўринлари 2853 тани ташкил этди. Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, аҳолининг кўпайиб боришига мос равишда янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бошқача айтганда аҳоли таркибида кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш чоратadbирлари кўриб борилмоқда.

Чуст тумани ҳокимлигининг ахборот- таҳлил бўлимининг олиб борган таҳлиллари асосида шуни қайд этиш мумкинки, 2012 йилда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратиладиган янги иш ўринлари 2011 йилга нисбатан олганда кўпроқни ташкил этиб, прогноз ҳолати билан айтганда 2997 тани ташкил этиши керак. Бунда хизмат кўрсатишнинг энг замонавий соҳаларини ривожлантиришга ҳам эътибор берилган бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш устувор масалалардан биридир.

Агар 8-жадвал таҳлилларига қайтадиган бўлсак, хизмат турлари ичида энг ривожлангани савдо ва умумий овқатланиш хизматларидир. Чунки бу соҳада янги иш ўринларини яратиш устуворроқ бўлиб, 2011 йил ҳолатида 704 та иш ўринлари яратилган. Кейинги ўринда технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш соҳасидаги вазиятни ижобий баҳолашимиз мумкин. Бу соҳада ҳам яратилган иш ўринлари 189 тани ташкил этиб, бу 2011 йил ҳолатида тўғридир. Бу каби соҳада 2009 йилда 165 та иш ўринлари яратилган бўлиб, аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келган.

**7-жадвал. Чуст туманида 2011 йилда ташкил этилган маиший
хизмат кўрсатиш шахобчалари¹**

№	Хизмат турлари	Чуст тумани бўйича		Наманган вилояти бўйича		Вилоятга нисбатан туман улуши, %да	
		режа- да	ҳақи- катда	режа- да	ҳақи- катда	режа- да	ҳақи- катда
1	Савдо шахобча	5	22	60	201	8,3	10,9
2	Умумий овқатланиш	1	3	13	37	7,7	8,1
3	Пойабзал тикиш ва таъмирлаш	2	3	21	32	9,5	9,3
4	Кийим тикиш ва таъмирлаш	2	4	23	30	8,7	13,3
5	Суръатхона	1	1	9	17	11,1	5,9
6	Якка тартибда уй қуриш массивидаги маиший хизмат кўрсатиш	1	2	9	12	11,1	16,6
7	Бошқалар	0	8	1	42		19,0
8	Шундан сартарошхона	0	7	0	107		6,5
	Жами хизматлар	12	50	136	478	8,8	10,5

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани хокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

**8-жадвал. Чуст туманида хизмат кўрсатиш ва сервис
соҳасида яратилган янги иш ўринлари¹**

(бирликда)

№	Хизмат турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил прогнозда
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	36	42	48	51
2	Компьютерли программалаштириш хизматлари консультацион хизматлар билан бирга	25	30	32	35
3	Транспорт хизматлари логистик хизматлар билан бирга	54	68	75	83
4	Молия хизматлари лизинг ва суғурта хизматлари билан бирга	12	16	19	22
5	Курилиш хизматлари	30	30	35	38
6	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	165	171	189	195
7	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	65	79	87	90
8	Туристик хизматлар меҳмонхона хизматлари билан бирга	0	0	3	5
9	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	559	681	704	757
10	Маиший хизматлар	132	145	157	169
11	Таълим хизматлари	5	6	6	8
12	Соғликни сақлаш хизматлари	13	16	19	22
13	Бошқа хизматлар	1362	1385	1479	1522
	Жами хизматлар	2458	2669	2853	2997

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари ва логистик хизматлар кўрсатиш соҳаларининг ҳар бирида яратилган иш ўринлари 72 тадан кўпроқни ташкил этган. Чуст туманида бу соҳаларни ўзига хос ривожланиши технологик жараёнлардаги муаммоларни ҳал этишда имкон қадар кўмаклашмоқда.

Худди шундай маиший хизмат соҳасида ҳам янги иш ўринларини яратиш яхши йўлга қўйилган. Бу соҳада яратилган иш ўринлари ҳам йилдан йилга ўсиб боровчи тенденцияга эга. Чунки маиший хизматнинг аҳоли қатламига оммавий кўринишларини ташкил этиш ҳам зарур, ҳам керак. Шунинг учун 2012 йилдаги прогнозда яна 169 та янги иш ўринларини ташкил этиш мақсуд қилиб олинган. Чуст туманида маиший хизмат турларини энг зич жойлашган ҳудуди Чуст шаҳрида ва унга яқин ҳудудлардadir. Шунинг учун Чуст туманининг энг чекка қишлоқларида бундай хизмат турларини ташкил этиш устувор вазифага айланмоқда. Чекка қишлоқлардаги аҳолининг бундай хизмат турларига талаби каттадир. Демак бу каби хизмат турларини ана шундай ҳудудларда ташкил этиш чораларини кўрибю бориш мақсудга мувофиқдир.

Эътиборлиси шундаки, хизмат кўрсатишдаги энг замонавий соҳаларнинг ривожланиши ўртача даражада бўлмоқда. Масалан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида янги иш ўринларини ташкил этишда юқоридагидек вазиятни кўрмаслигимиз мумкин. Хусусан, 2011 йилда бу каби соҳада 48 та янги иш жойлари ташкил этилган. Бу ҳолатни шу соҳанинг мутахассислик масалалари билан боғлиқ муаммолари борлигини алоҳида қайд этиш керак. Шунингдек, ҳолатни компьютерли программалаштириш хизматлари ва консултация хизматлар соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан бу соҳада 2011 йилда 32 та янги иш ўрни ташкил этилган. Бу 2010 йилдаги ҳолатга атиги 2 та иш ўрнига кўпайганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда бундай соҳани ривожлантиришга жиддий эътиборнинг мавжудлиги бир қатор чора-тадбирлар кўриб боришни тақазо этмоқда. Шунинг 2012 йилдаги прогнозда компьютерли программалаштириш хизматлари ва консултация хизматлар соҳасида 35 та янги иш жойларини ташкил этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Чуст туманида бир қатор қурилиш объектларни битказилмоқда. Қурилиш ишларини жадал олиб борилиши Чуст тумани кўркига янада кўрк қўшиб бормоқда. Турмуш шароитлари яхшиланмоқда. «Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак»¹.

Тобора замонавий шароитлар яратилиши аҳолининг фаровонлигини таъминлашга эришилмоқда. Бу борада қурилиш соҳасида ташкил этилган хизматларнинг аҳамияти жуда катта. 2011 йилда бу соҳада 35 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2012 йилдаги прогнозда бундай иш ўринларини 38 тага етказиш мақсад қилиб олинган.

Бироқ, Чуст туманида хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммоларнинг барчаси ҳал этилган деб хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан, молия хизматлари лизинг ва суғурта хизматларида яратилган иш ўринлари жуда оздир. Худди шундай ҳолат соғлиқни сақлаш хизматларида ҳам мавжуд. Бу икки хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган иш ўринлари йилдан йилга бир хил тарзда ошиб борсада., жуда сезиларли эмас. Хаттоки прогноз ҳолатларида ҳам бир хилликни кузатиш мумкин. Аслида олганда бу соҳалар ўта ривожланиши керак. Чунки бу соҳаларнинг бири иқтисодий бошқариш масалаларини ўз ичига қамраб олса, иккинчиси инсон соғлиги билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. Кўриниб турибдики, бу соҳалар бугунги кунда жуда устувор бўлиши керак. Бунинг учун кўпроқ иш ўринларини яратиш зарур. Рақобат муҳити ҳам шунда шаклланади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 73 бет.

9-жадвал. Чуст туманида хизматлар турига бўлган талабнинг қондирилиши¹

№	Хизмат турлари	Хизмат-лар ҳажми (млн. сўм)	Аҳоли жон боши-га (минг сўм)	Хизмат-ларга бўлган талаб (млн. сўм)	Дефицит/профицит (млн. сўм)
1	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	44006,4	194,8	43148,2	−1992,3
2	Транспорт хизматлари	33651,4	149,0	25908,4	−2452,0
3	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1377,6	6,1	5357,0	−1525,3
4	Молия хизматлари	7695,4	34,1	10129,6	−1734,7
5	Сайёҳлик ва экскурсия			9,7	−3,2
6	Меҳмонхона хизматлари			185,1	−60,6
7	Коммунал хизмат кўрсатиш	30467,7	134,9	24542,2	−445,5
8	Маиший хизматлар	1205,0	5,3	4624,8	−1313,4
9	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	3939,3	17,4	4181,6	−585,6
10	Бошқа хизмат турлари	17357,8	76,8	32639,9	−7045,7
	Жами хизматлар	139700,6	618,4	150726,6	−17158,3

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани хокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

10-жадвал. 2012 йилда Чуст туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратиладиган янги иш ўринлари прогнози¹

(бирликда)

№	Хизмат турлари	Чуст тумани бўйича	Наманган вилояти бўйича	Вилоятга нисбатан туман улуши, %да
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	51	1055	4,8
2	Компьютерли программалаштириш хизматлари консултация хизматлар билан бирга	35	329	10,6
3	Транспорт хизматлари логистик хизматлар билан бирга	83	1330	6,2
4	Молия хизматлари лизинг ва суғурта хизматлари билан бирга	22	277	8,0
5	Қурилиш хизматлари	38	361	10,5
6	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	195	1633	12,0
7	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	90	587	15,3
8	Туристик хизматлар меҳмонхона хизматлари билан бирга	5	44	11,4
9	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	757	7921	9,5
10	Маиший хизматлар	169	2399	7,0
11	Таълим хизматлари	8	92	8,7
12	Соғлиқни сақлаш хизматлари	22	305	7,2
13	Бошқа хизматлар	1522	10429	14,6
	Жами хизматлар	2997	26762	11,2

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

**11-жадвал. Чуст тумани ҳокимлиги томонидан 2012 йилда
ишга тушириладиган хизмат кўрсатиш
бўйича янги объектлари¹**

№		Хизмат турлари	Чуст тумани бўйича	Наманган вилояти бўйича	Вилоятга нисбатан туман улуши, %да
1	Сарфланадиган жами маблағ (млн. сўм)		3639,0	50824,0	7,1
2	Шу жумладан	Банк кредити маблағи	405,0	12359,0	3,3
3		Ўз маблағи	3234,0	38465,0	8,4
4	Фойдаланишга топшириш муддати	1 чоракда	6	61	9,8
5		2 чоракда	16	197	8,1
6		3 чоракда	23	265	8,7
7		4 чоракда	20	201	9,9
Жами хизматлар сони			65	724	9,0

Эътиборлиси шундаки, янги иш ўринларини яратиш борасида Чуст туманида айниқса таълим хизматларини амалга оширишда аҳвол бир оз аянчли. Чуст туманидаги аҳоли учун таълим хизматларини ташкил этишдаги жараёнларни қониқарли деб ҳисоблаш ноўрин. Бу соҳада яратилаётган иш ўринлари жуда оз бўлиб, бу ўзининг салбий таъсирини

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

кўрсатиши мумкин. Чунки яратилган иш ўрни туфайли муайян фаолият кўрсатишлар амалга оширилади. Энди тасаввур қилиб айтиш мумкинки, таълим хизматларида бундай йўл қўйилаётган сусткашликлар жиддий муаммоларни, яъни аҳолининг саводхонлигига салбий таъсир кўрсатадиган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. 8-жадвалдаги ҳолатни таҳлил этадиган бўлсак, 2010 йилда таълим хизматлари соҳасида 2009 йилга нисбатан олганда, атиги битта иш ўрни яратилган. 2010-2011 йилларда ўсиш томонга нисбатан динамик ҳолат кузатилмади. 2012 йилдаги прогнозда ҳам атиги 2 та иш ярини ташкил этиш кўзланмоқда. Бу ҳолат Чуст туманида илмга бўлган эътиборни пасайганлигидан далолат бермасмикин.

Чуст тумани ҳокимлиги ва тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан илм-фан тараққиётини кучайтиришга йўналтирилган маҳаллий-ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб уни амалга ошириш чора-тадбирларини зудлик билан кўришлари талаб этилади.

Маълумки, Чуст тумани ҳам тарихий воқеликларга бой ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун туманда туристик хизматлар ва меҳмонхона хизматларини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо бу борадаги ишларни ўта қониқарлилиги барчани ўзига тортади. Чунки туристик хизматлар ва меҳмонхона хизматлари соҳасида ташкил этилган янги иш ўринлари деярли йўқ ҳисобида бўлиб, 2011 йилда атиги 3 та иш ўрни яратилган.

Сўнгги йилларда республикада қишлоқларида аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 2-2,5 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалардаги иқтисодиётнинг ишчи кучи ортиқча бўлган айрим тармоқларда бугун яширин ишсизлик (корхоналарда мажбурий таътилдагилар) мавжудлиги сир эмас. Шундай экан Чуст туманида ҳам бундай вазиятни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишчи ўринларини кўпайтиришни давлат дастурларида қабул қилинганидек, амалга ошириб бориш бугунги кундаги устувор масалалардан биридир.

3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада кенг ривожланишини таъминлаш ва бошқариш

3.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини бошқаришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари

Хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқаришда ҳам инсон ресурсларини бошқариш каби йўналишларда фаолият кўрсатиш лозим бўлади. Бу соҳада фаолият юритувчи субъектлар таркибида иш билан банд бўлган меҳнат ресурслари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туришлари табиий. Бу бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқилган ёндашув бўлиб, ҳозирги ўзгарувчан шароитларда бунга эътибор бериш зарур.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлаб ва унга босқичма босқич ўтиб борар эканмиз, республикаimizдаги барча соҳалар ва тармоқларни кенг ва жадал суъратлар билан ривожланиб боришини таъминлаш усул ва услубларининг энг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширмоқ лозим. Шу борада хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарнинг фаолияти ундаги хизматлар ҳажмини ортиши ва салмоғи юқорилашиши ҳамда уларни рақобатбардошлилигини оширишда энг минимал харажатлар қилиш ва максимал фойда олишда, ривожлантиришда, барқарорлигини таъминлашда энг катта эътиборни инсон ресурсларидан фойдаланишни тўғри ташкил этиш, режалаштиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш корхонасини ривожлантиришда асосий ўринни инсон ресурслари эгаллайди. Корхонанинг техник имкониятлари қанчалик юқори бўлмасин, барибир керакли даражадаги инсон ресурсларисиз самарали ишлай олмайди. Буларнинг ҳаммаси одамларга, уларнинг билим даражасига ва ишлашга бўлган хоҳишига боғлиқ бўлиб чиқади.

Ғарб мутахассисларининг фикрича, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхонанинг асосий структураси инсон омили асосида ташкил топган, деб ҳисоблайдилар. Улар буни қуйидаги фикрлари билан исботлашга уринади. “Хизмат кўрсатиш тизими, нафақат беҳато ишлайдиган замонавий технологиялардан ташкил топган, балки шу технологияларга таъсир кўрсатадиган, янги ғояларни ёритадиган ва уларни амалга оширадиган одамларни ҳам ўз ичига олади”. Мураккаб техник ва ишлаб чиқариш муаммоларини ечиш йўлида одамлар орасида яқиндан ўзаро таъсирини таъминлаш учун уларнинг ҳар бирида охириги кўзланган мақсаднинг натижасига бўлган қизиқишини уйғотиш, яъни тайёр маҳсулот яратишга, фойдага ҳамда меҳнатга бўлган онгли муносабатини шакллантириш лозим. Инсоний капитал – асбоб - ускуналар, ишлаб чиқариш захиралари, рақобатбардошликни таъминлайдиган ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ҳажмини оширадиган воситадир. Шунинг учун ходимларнинг ишлашга бўлган ва уларнинг тўла бандлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун корхонада ходимлардан самарали фойдаланиш учун қуйидагиларни жорий қилиш керак:

1. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш.

Бунинг учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, назорат қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва меҳнат интизомини бузганлиги учун жазолаш тизимини жорий қилиш. Бунинг натижасида сабабсиз ишга чиқмайдиганлар сони қисқаради, ишга кечиқишлар бўлмайди ва шахсий мафаат учун иш вақтидан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ишлайдиган ходимлар меҳнат интизомига жиддий риоя қилишлари шарт бўлади. Шундагина хизмат кўрсатиш соҳасини бошқарилишидаги вазиятларни барқарорлаштирилишига эришилади. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасида барча ишчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари истеъмолчилар кўз олдида кўриниб туради. Истеъмолчиларнинг кўнглига қараб хизматларни бажариш ва бу хизматларни сифати даражасини ошириб бориш эса хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақобат муҳитини шакллантиради.

2. Улушсиз иш вақтини йўқотиш учун иш жойлари ва иш жараёнини таҳлил қилиш, иш жойларини илмий лойиҳалаштириш. Бунинг натижасида ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги ошади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда ҳам иш жойлари ва иш жараёнларини таҳлил қилиш зарур. Бу аслида кўзга кўринмайдиган жиҳатдир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасида техник жараёнлар кам ёки деярли бўлмайди деб ҳисоблайдиганлар кўп. Бирок, ташкилий жараёнларни бошқаришга доир ишларда (оргтехника) техникалардан фойдаланиш бугунги кунда жуда муҳим. Масалан, ксерокопия, ризография, компьютер технологияларидан фойдаланиш зарурияти бугунги кунда хизмат соҳасига чуқур кириб борган. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги масалаларида ҳам шу нуқтаи назардаги ёндашувларни ҳисобга олиш даркор бўлади.

3. Ходимлар қўнимсизлиги олдини олиш. Бунинг учун жамоасида қулай рухий муҳитни яратиш ва соғлом инсоний муносабатларни амалиётга жорий қилиш. Натижада ишга қабул қилиш ва ўқитиш билан боғлиқ харажатлар камаяди ва ишчан муҳит яратилади ва ишдан қониқиш кўпаяди.

Шуниси эътиборлики, хизмат кўрсатишда ходимларнинг ҳар бир хатти-қаракатлари назоратда бўлганлиги учун уларнинг қўнимсизлиги бошқа соҳаларга нисбатан олганда юқорироқ бўлиши мумкин. Сабаби хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг маданият, этика ва эстетика нуқтаи назардаги билимлари доимо солиштириб борилади ва бу жиҳат худдики, уларнинг эталонидек қабул қилинади.

4. Ходимлар иш ҳақини рақобатбардош даражада ушлаш. Бунинг учун мутахассислар меҳнат бозорини таҳлил қилиш, уларнинг иш ҳақи даражаларини таҳлил қилиш рақобатдошларнинг ижтимоий дастурларини таҳлил қилиш, тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва уни раҳбариятга тақдим этиш. Уни жорий қилиш ва назорат қилиш. Бунинг натижасида қўнимсизлик даражаси камаяди, корхонада жамоа маҳорат руҳи шаклланади, меҳнат унумдорлиги ошади ва хизмат кўрсатиш сифати ошади.

Хизмат кўрсатиш сифати ошган сари ходимлар ўртасидаги рақобат муҳити ҳам кучаяди. Барча ишларда мадиниятлилик ва этик меъёрларга риоя қилиш эса хизмат кўрсатиш соҳасидаги сифат даражасини янада юқорироқ поғонага олиб чиқиши табиий.

5. Ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитишни тўғри ташкил этиш. Бунинг учун ходимларни мунтазам аттестациядан ўтказиш, уларнинг иш фаолиятига баҳо бериш, ўқув юртларини ва ўқитиш савиясини таҳлил қилиш, ўқитиш учун шартномаларни тузиш, ўқиш учун шароит яратиш. Режалаштириш ва назорат қилиш. Бунинг натижасида ходимлар малакаси ошади, ходимлар олдида корхонанинг обрўси ошади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси бугунги кунда кун сайин ривожланиб бормоқда. Буни оммавий ахборот воситаларидан олинган хабарлардан билиш қийин эмас. Шундай экан, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган ходимларнинг ҳар кундаги ҳолати таҳлил этиб кўрилади ва уларни тажрибаларини ошириб бориш мақсадидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Хизмат кўрсатишдаги ходимларнинг иш фаолиятига баҳо бериш орқали хизмат кўрсатишдаги сифатнинг нақадар замонавийроқ эканлигини бугунги кунда билиш қийин эмас.

6. Ходимлар соғлиги ва уларнинг меҳнат қилиши учун хавфсиз шароитлар яратиш. Бунинг учун ходимларни мунтазам равишда даволанишларини таъминлаш, ходимлар саломатлигини яхшилаб бориш дастурларини ишлаб чиқиш, уларни жорий ва назорат қилиш. Бунинг натижасида ишга вақтинчалик қобилиятсизлик сабаби билан таътил олишлар сони қисқаради, ходимларни касал бўлиш ҳоллари камаяди ва меҳнатга қобилиятлилик даражаси ошади.

Аслида хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар унчалик қийин бўлмаган меҳнатда банд бўлганлар қаторига киритилади. Бирок, уларнинг меҳнат жараёнларида ҳам ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Бундай жараёнларда ходимларнинг соғлигига ва улар учун хавфсиз шарт-шароитлар яратишга зарурият туғилади. Масалан, курьерчилик ишлари аслида оддий иш бўлсада, инсоннинг жисмонан соғломлиги талаб этилади.

7. Ишга фақат лойиқ ходимларни қабул қилиш. Бунинг учун ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш, аттестация қилиш, бўлимлар, лавозимлар низомини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ишга қабул қилинадиган номзодларни чуқур таҳлил қилиш. Бунинг натижасида ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги ошади, мижозларга хизмат кўрсатиш савияси ошади ва унумли ишлаш учун жамоада қулай руҳий муҳит яратилади.

Хизмат кўрсатишда ҳар бир ҳолат ёки жараён истеъмолчининг кўз олдида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун бу соҳа эгалари ўз ишларига лойиқ бўлишлари шарт ҳисобланади. Айниқса уларнинг ҳалоллик ва инсонпарварлик фазилатлари аниқ намоён бўлиши керак.

8. Ходимларни рағбатлантириш ва уларни қўллаб - қувватлаш. Бунинг учун ходимларнинг ғоя ва таклифларини, уларнинг қайси бирини жорий қилинишини, қайси бири рағбатлантирилиши лозимлигини таҳлил қилиш ва юқори малакали мутахассислар иштирокида жамоа кенгашини ўтказиш. Бунинг натижасида ходимларда меҳнат қилишга бўлган қизиқиш ошади, меҳнат унумдорлиги ошади, рақобат шароитида корхонанинг ходимлар олдида мавқеи мустаҳкамланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари аниқ кўзатилиши мумкин бўлганидек, уларни рағбатлантиришни ҳам шундай амалга ошириш мумкин. Истеъмолчиларга бўлган муносабатлари ва хизмат кўрсатишдаги қобилиятлари рағбатланишнинг асосий сабабларидан бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни бошқарилишида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш зарур. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ва бу соҳадаги меҳнатда банд бўлганларнинг савияси ҳамда тажрибаларига жуда боғлиқ. Бунинг учун эса корхона бошқарувчилари инсон ресурсларини ҳар томонлама такомиллашиб боришлари учун шарт-шароитларни яратишлари лозим.

3.2. Модернизация шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш

Хизмат соҳасини ривожлантириш оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу мақсадда, республикада аҳолининг бандлиги ва оила даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда оилавий тадбиркорликнинг турли хил шакллари ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикада қарийб 29,6 млн. аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар оиланинг катталигини ўртача 5,1 деб ҳисобласак, у ҳолда бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича оилалар сони 5,8 млн. тани ташкил этади¹.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида оилаларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва бозор муносабатларидаги иштироки шу даражада кенгайиб бормоқдаки, уларни ўрганиш анча қийинчиликларни туғдирмоқда. Бугун улар фақат истеъмолчи сифатида эмас, балки иқтисодиётнинг қўллаб соҳалари сингари хўжалик фаолиятини юритмоқда. Шу туфайли оилавий тадбиркорликнинг бозор тузилмасидаги фаолиятини тўлиқ ва батафсил ўрганиш натижасида уни тўғри тавсифлаш зарурати туғилмоқда.

“Оилавий тадбиркорлик” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ўрганишга қаратилган илмий ишланмаларда айрим олимларимиз томонидан тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.К.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оилавий тадбиркорлик тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади”².

¹ Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

² Пардаев М.К., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд: СамКИ, 1999. -18-бет.

Г.Шодиева ушбу иқтисодий тушунчага бироз бошқача ёндашган ҳолда, оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигини инобатга олиб, унга қуйидагича таъриф беради: “Оила тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзolari иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади”¹ деб таъкидлайди. Мазкур таърифларда оилавий тадбиркорлик тушунчаси бўйича умумийлик бор.

Бу иккала ҳолатда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ташкилий, ҳукукий жиҳатлари ва қандай фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиши тўғрисида фикр юритилмаган. Ваҳоланки, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир оилавий тадбиркорлик субъекти фаолият юритар экан, албатта унинг ташкилий, ҳукукий мақоми ва қайси соҳаларда фаолият юритиши асосий ўринда туради. Чунки бугунги кунда улар оилавий корхоналар, хонадон цехлари ва микрофирмалар деб ҳам юритилмоқда. Бу тўғрида мамлакатимиз Президенти, “йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш”² зарурлигини айтиб ўтдилар. Бунда тадбиркорлар ўз меҳнатига ва оила аъзолари меҳнатига таяниб, ариза бериш асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритмоқдалар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида оилавий тадбиркорликка қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: оилавий тадбиркорлик деганда, жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, эр-хотин ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг меҳнатига ва мулкига таяниб, қонуний асосда даромад олишга мўлжалланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Ушбу таърифга асосланган ҳолда хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорликка ҳам таъриф бериш мумкин. Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорлик деганда, жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, эр-хотин ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг меҳнати ва мулкига таяниб, хизмат кўрсатиш натижасида қонуний даромад олишга қаратилган фаолияти тушунилади. Оилавий тадбиркорлик субъекти эр-хотиннинг қайси бири номига рўйхатга олинган бўлса, оилавий тадбиркорлик субъекти номидан у иш олиб боради.

Хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, биринчидан, уни ташкил этишнинг осонлиги ва ихчамлиги. Бошқача айтганда қўшимача технологиялар учун жойлар талаб этилмайди. Кадрлар танлашда ҳам ўзига хос қулайлик бор.

Иккинчидан, тадбиркорларнинг асосий капиталга бўлган харажатларининг анча камлиги. Хизмат кўрсатиш соҳасида шуғулланишни бошловчилар учун катта маблағ талаб этилмаслиги шу соҳада шуғулланишнинг қулайлигини кўрсатади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай субъект кам харажатлар асосида ўз фаолиятларини юритишга мойил бўладилар.

Учинчидан, меҳнатни ташкил этишда ишчи кучи оиланинг ўзида етишиб чиқиши ва энг муҳими, уй бекалари меҳнатидан фойдаланиш мумкин. Бу билан оилавий иш билан бандликни таъминлаш мумкин. Иш кидириб юриш шарт бўлмай қолади.

Тўртинчидан, мулкый муносабатларда, иш берувчи ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда меники ва сеники деган зиддият бўлмайди. Чунки уларнинг иккаласида ҳам битта оила аъзоларининг иштирок этиши кузатилади. Оила аъзолари ўртасида эса бундай вазиятлар камдан кам ҳолатларда рўй беради ёки деярли рўй бермайди.

Бешинчидан, меҳнат натижасидан манфаатдорликнинг ҳам бир хил бўлиши. Ҳар бир оила аъзоси ўзига хос манфаатдорликка эришади. Манфаатдорликнинг бўлиши эса ишга, меҳнатга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиради.

¹ Шодиева Г. Оила ҳўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 1999 й.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005. 82- бет.

Олтинчидан эса, ворислик – оилавий тадбиркорликнинг асосий жихатларидан бири эканлигидир. Бошқача айтганда, оилавий корхона ўз мутахассисларини ўзи учун тарбиялашга интилади. Шу жихатлари билан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим концептуал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг қарор топиши мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишини инобатга олиб, уларни ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллар аниқланди. Булар қуйидагиларда намоён бўлиши асосланди:

- оилавий тадбиркорликнинг оилалар моддий фаровонлигини таъминлашдаги ўрни;
- оила аъзоларининг ўзини ўзи иш билан банд қила олиш имкониятлари;
- оилавий тадбиркорликнинг ЯИМда, касаначиликда, саноат соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмида, қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳиссаси.

Булар оила хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрнини ҳам белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик – бозор муносабатлари шароитида оила хўжалигининг энг асосий функцияларидан ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, оила хўжалиги фаровонлиги кўп жихатдан функционал таҳлилни талаб этади, шу жихатдан оила хўжалиги функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган бўлсак, оила хўжалиги функциялари қуйидаги ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан таркиб топмоқда:

- ёш авлодни тарбиялаш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш;
- оиланинг истеъмол талабини қондириш;
- оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш;
- оила жамғармаси ҳисобидан инвестицион имкониятларни вужудга келтириш, мулкий даромадлардан самарали фойдаланиш;
- давлат билан «ички» иқтисодий алоқалар (солиқларни тўлаш, трансферт тўловлардан фойдаланиш), чет давлатлар билан иқтисодий алоқалар, хусусан, турли хил пул ўтказмалар ва меҳнат шартномалари тузиш ва бошқалар.

Бу функцияларнинг ҳар бири муҳим жихати ва аҳамияти билан бир биридан фарқланиб туради.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Аҳоли турмуш даражаси кўп жихатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда эса оилаларнинг муҳим ўрни бор.

3.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни барпо этиш, қишлоқда аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича кенг чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишдир. Ҳозирги маълумотларга қараганда Ўзбекистон аҳолисининг 50 %га яқини қишлоқ жойларида истиқомат қилади, бу аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ошириш муҳим

масалалардан биридир. Шундай экан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бирига айланган.

«Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутadi, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан»¹ - деб қайд этади Республикамиз Президенти И.А.Каримов.

Қишлоқларимиз қиёфаси биринчи навбатда уларда яшовчи одамларнинг умумий кайфияти ва руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Агар қишлоқ қиёфаси кўркам ва чиройли бўлса, унда яшовчи одамларнинг ҳаёти ҳам гўзал бўлади, ишлари унумли, ўзлари бахтли бўлади.

Шунга кўра, мамлакатимиз раҳбари қишлоқларимиз қиёфасига биринчи навбатда таъсир кўрсатувчи уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишига катта эътибор қаратди. Чунки, эндиликда собиқ шўролар тузуми давридан қолган бир хил «қолип»да қурилган, ўзининг ташқи кўриниши билан одамларда ижобий таассуротлар қолдирмайдиган, фойдаланиш жиҳатидан қулайликларга эга бўлмаган турли бино ва иншоотлар, муайян бир режасиз, ўйланмасдан, пала-партиш асосда қурилган уйлар – халқимиз турмуш даражаси ҳамда фаровонлигига мутлақо мос келмайди.

Қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида 2009 йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарори қабул қилинди.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ишга республикадаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини айнан қишлоқ жойларида ривожлантириш юқоридаги каби иш билан банд этиш масалаларини ечимини топишга олиб келади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироз айни кучайган даврда Ўзбекистон иқтисодиёти таркибида хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам алоҳида эътиборнинг қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий этириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми 2008 йилга нисбатан 116% га ўсди. Хусусан, мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуриб, ишга туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та хаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди.

«Хизматлар соҳаси халқ ҳўжалиги мажмуининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий муносабатлар умумий тизими таркибига киради ва жамиятдаги мавжуд иқтисодий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. - 2010. 83 бет

қонунларга бўйсунди»¹. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган 640-сонли Қарорини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар, амалга ошириладиган ишлар батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини алоҳида ифодалаш мумкин (1-бобда келтирилган 2-чизмага қаранг).

Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди².

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарт бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Худудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

2012 йилда эса ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади³.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги истеъмол бозорида мутаносиблик юзага келиб аҳолининг фаровонлигини таъминланмоқда. Шунингдек, истеъмол бозорига таклиф

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. 46 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. - 2010. 122 бет.

³ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 28 бет.

этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги бугунги кундаги ютуқларимиздандир.

**11-жадвал. Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати¹
(ўтган йилга нисбатан фоизда)**

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7	115,1	113,2
Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8	120,9	118,6
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4	113,0	104,1
Алоқа ва ахборотлаш- тириш хизматлари	151,5	140,1	121,6	128,7	139,9
Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7	119,4	118,6
Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	126,2	130,4	115,3	127,3
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	112,3	107,8	106,5
Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1	99	99,9
Маиший хизматлар	128,0	129	122,6	122,8	120,9
Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2	124,6	118,9
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6	116,6	118,5

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган

¹ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси сатистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган. Манба: www.stat.uz

Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда (11-жадвал).

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

Масалан, республикаимиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2011 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага ошириш вазифаси янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланади.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсلىгини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Бугунги кунда нафақат замонавий ва қулай уй-жойлар ва коттежлар қуриш, айтилиб кетганда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равион йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилгандир. Ҳукуматимиз томонидан инфратузилмаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган йирик давлат дастурлари натижасида ҳудудларда бир қатор диққатга сазовор ишлар қилинди.

Хуллас, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, хусусан, маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштириш маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли хил мулк эгалари олдида асосий вазифа қилиб қўйилгани тасодиқий эмас.

Бугунгача хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туманлар марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уларни посёлкалар, қишлоқлар, ҳаттоки энг олис овулларда ҳам ташкил этиш эҳтиёжи зарурати тобора ортмоқда. Зеро, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлигини, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Хулоса

Бугунги кунга келиб, иқтисодий адабиётларда хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Хизмат кўрсатиш - бу инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб боришига тушунилади. Агар биз фаолиятни ўз ичига мақсад, восита ва натижа олиш учун инсоннинг теvarак-атрофга ва ўзига бўлган махсус муносабати жараёни десак, хизмат кўрсатишда фаолият олиб боришдан албатта, ҳар иккала томон бўлган хизмат кўрсатувчи манфаатдор бўлиши, даромад, фойда олиши, истеъмолчи эса хизмат сарф-ҳаражатни бажариб кўрсатилган хизматдан мамнун, рози бўлиш мақсади туради. Ушбу фаолият тури хизмат кўрсатиш корхонаси, уюшмаси, ташкилоти, фирма ва ҳоказо ташкил этилиши ҳамда индивидуал бўлиши ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланиб бораётган соҳаларидан бирига айланди. Бу соҳада ҳам иш билан бандлик тобора ошиб бормоқда. Капитал маблағларнинг айланмасидаги қулайликлар ушбу соҳага турли соҳа мутахассисларининг кириб келишини кўрсатмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният ҳаётига хизмат кўрсатишнинг янги шакл кўриниши «Сервис» тушунчаси кириб келдики, ҳозирги вақтда ҳаётда ўзининг тўла тадбиқини топаяпти. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасига яқин келган «сервис» деган тушунча кўпроқ халқаро микёсда қўлланилади. Сервис бу – ишлаб чиқариш – техника мақсадларидаги маҳсулотларни, маданий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар соҳаларини ўз ичига олади.

Умуман олганда, сервис, сервис фаолияти ўзи иқтисодий, ижтимоий ва маданий кўп қиррали феномен бўлиб, бир вақтда ҳам жамоавий, ҳам шахсий талабларини қондирувчи ижтимоий тақсимлаш ва истеъмол этиш, одамларнинг ҳаётини яхшиловчи хўжалик механизми ҳисобланади.

Халқаро муҳитдаги кўп илмий манбаларда «service branch» иборалари қўлланилади. Бу икки сўздан иборат тушунчани рус тилига тўғридан тўғри «сфера обслуживания» деб таржима қилинади. Ўз навбатида бу каби тушунчалар хизмат кўрсатиш соҳасини ангалатади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини изчил ривожлантиришни давом эттириш ҳам, албатта, давр талаби ҳисобланади. Бу шу борада кўпгина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари катори, Ўзбекистонда туризм, ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим ва молия соҳасида хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш ҳам давр талаби ҳисобланади. Чунки, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Чуст тумани мисолида олиб борилган тадқиқотларимиз хизмат кўрсатиш соҳасини бошқарилиши жараёнларига боғлиқ тарзда олиб борилди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, бугунги кунда Чуст туманида хизмат кўрсатишнинг деярли барча соҳалари ривожланиб бормоқда. Бу борада маҳаллий-худудий микёсда ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган янги иш жойларининг аксарият қисми кишлоқ жойларига тўғри келиши фикримиз далилидир. Қолаверса, туман таркибидаги корхоналар улушида хизмат

кўрсатиш соҳасига тааллуқли корхоналарнинг йилдан йилга ошиб бориши ҳам далилий фикримизнинг давомидир.

Бироқ, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам бор. Бу муаммолар мазкур таҳлил этилаётган соҳанинг ривожланишига тўсиқ яратувчи сабабларни ўз ичига қамраб олган. Ушбу муаммоларни Чуст тумани мисолида ўрганиш, уларни аниқлаш ва таҳлил этиш орқали ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб, бу каби муаммоларни олдини олишга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқишга эришдик.

Бугунги кунда Чуст тумани хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши жараёнларида ва бу секторни бошқарилишида қуйидаги муаммолар шаклланган:

- айрим хизмат кўрсатиш соҳасидаги тармоқчалар миқдор жиҳатдан кенг ва салмоқли тарзда ривожланмаяпти, бунга мисол тариқасида таълим ва молия, шунингдек, туризм соҳасини келтиришимиз мумкин;
- туманда консалтинг хизматлари ва суғурта тизимдаги хизматларни амалга оширишда муаммолар юзага келган. Шунинг учун бу соҳада ташкил этилган хизмат кўрсатиш шахобчалари жуда камчиликни ташкил этади;
- хизмат кўрсатиш соҳасида ўз мутахассисликлари асосида ишлайдиган касб эгалари ҳам биз кутганчалик даражада етарли эмас;
- транспорт ва коммунал хизматлар кўрсатишда бир қатор камчиликлар учрайди.

Юқоридаги таҳлилларимиз асосида ўрганилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида туман ҳокимлиги, тегишли бошқарув идоралари томонидан қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- энг замонавий хизмат кўрсатиш соҳасида (масалан, консалтинг, компьютер технологиялари, молия, лизинг ва суғурта соҳасида) янги иш ўринларини кўпайтириш чораларини кўриш;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, барча мавжуд ресурсларни жалб этиш;
- таълим тизимга хос бўлган хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириш;
- йўловчиларни ташиш бўйича аҳоли пунктларида маршрутлар таъминотини ошириш;
- узок қишлоқ аҳоли пунктлари ва қаттиқ қопламали йўлларни қамраб олган ҳолда маршрутлар тизимини кенгайтириш;
- коммунал соҳада қўшимча кичик корхоналар тармоғини ташкил этиш, аҳолини иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашни ва иссиқлик таъминотини модернизациялаш ва таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларни тезлаштириш.
- хизмат соҳасини янада сифатли олиб бориш;
- хизмат кўрсатишда сифатли хизмат турларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- инновацион, инвестицион лойиҳаларни ва хўжалик шартномаларини бажариш орқали ўз илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ишларини жадаллаштириш.

Албатта, бундай эзгу ишларда эришилган ютуқ ва муваффақиятлар билан бирга юқорида кўрсатилган камчиликларни олдини олиш ва янги зафарларга эришиш мақсадида яқин келажакда янада салоҳиятли ишларни амалга жорий этажакмиз.

Бу каби салоҳиятли ишлар бошида юртбошимиз раҳбарлигида юксак малакали ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрлар, бош бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2010.
2. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 18 апрел 2006 йил.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли». – Т.: Ўзбекистон, 2007.
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

2. Илмий адабиётлар ва статистик манбалар.

15. Ахмедов Х.И., Аддабергганов А.А. Организация обслуживания в гостинице. – Ташкент, “Тўлқин”. 2007. – 222 б.
16. Абдиримов М. Тижорат банкларида инқирозга қарши бошқарувни такомиллаштириш. // Иқтисодиёт ва таълим. 2011. 3-сон.157 бет.
17. Байлик С.И. Гостиничное хозяйство: Учеб. пособие, - Киев: ВИРА-Р, 2001. – 250 с.
18. Холиков М. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида самарадорлини ошириш масалалари. // Иқтисодиёт ва статистика. 1999. 4-сон.
19. Зубков А.А., Чибисов С.И. Справочник работника гостиничного хозяйства. – М.: Вўсшая школа, 1998. – 272 с.

20. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. –СПб.: Специальная Литература, 1999. -700 с.: ил.
21. Ли Д.М, Аллаберганов А.А., Умарходжаев М.Г. Гостиничный сервис. – Т.: Издательство – полиграфический творческий дом имени Г.Гуляма. 2004 . – 149с.
22. Ляпина И.Ю., Игнатова Т.Л., Безрукова С.В. Материально-техническая база и оформление гостиниц и туркомплексов. –М.: АСАДЕМА. 2004. – 251 с.
23. Мескон М., Алберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер в англ. –М.: Дело, 2000.
24. Насриддинова М., Ахмедов О. Бизнес стратегияси. –Т.: Шарк, 1996.
25. Расулов А., Денисов Ю. Проблемы структурных изменений в экономике Узбекистана. –М.: Журнал: "МЭиМО", №3. 2000.
26. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2001 -701 б.
27. Усов В.В. Организация производство и обслуживания на предприятиях общественного питания. – М.: Изд. Центр "Академия"., 2006. – 416 с.
28. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон.
29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
30. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. -272 бет.
31. Қожижонов Г. Хизмат кўрсатиш соҳаларида мустақил аудит тизимидан фойдаланиш самарадорлиги. // «Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришда янги техника ва технологияни қўллаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами. НМИИ, 2002. 242 бет.

3.Статистик маълумотлар тўпламлари

32. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2009 йил якуни.
33. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2010 йил якуни.
34. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2011 йил якуни.

4. Интернет сайтлари.

35. www.cer.ru
36. www.strategyclub.com
37. www.management.ru
38. www.pca.uz
39. www.google.ru
40. www.reviem.uz
41. www.cer.uz